O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Бугун барчамиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, деҳқон меҳнатини рағбатлантириш нақадар улкан самара беришини ғаллачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 7-avgust • Seshanba • 93 (27.738) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Озод юрт иншоотлари

КАМ БЎЛМАНГ, БИНОКОРЛАР!

— Ишонасизми, қурувчиларимизнинг ҳар бири худди ўз фарзандига иморат қураётгандек жон куйдириб ишлашади, — дея мамнун ҳикоя қилади **Оққўрғондаги** (Тошкент вилояти) **16-туманлараро механизациялашган кўчма колоннанинг қурилиш корхонаси раҳбари Адҳам Саидумаров.** — Ҳозир улар қайта тиклаётган 27-умумтаълим мактаби бутунлай замонавий қиёфада қад ростламоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб 140 нафар ўқувчи бу ерда таълим ола бошлайди. Ҳафта ўтиб, 37-мактаб ҳам шай бўлади. 540 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи, 37- ва 34-мактабларда капитал таъмирлаш ишлари, аниқроғи, сўнгги пардоз юмушлари кетаяпти, 6-мактаб жорий таъмирдан чиқиб бўлди...

— Жамоамизда Убайдулла Исматуллаев, Дилшод Ҳасанов, Эркин Тоғаев, Ориф Абдуллаев, Кўчқор Муқимов, Элёр Мустафоев, Расул Эркабоев сингари 120 нафар участка бошлиқлари, ишбошилар ва тажрибали қурувчилар бор, — давом этди у. — Моддий манфаатдорлик, даромад, соф фойда — ҳаммаси яхши. Шулар эвазига «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан Ўртачирчиқ туманидаги болалар шифохонасида 2.500.000 сўмлик, Оққўрғон туманидаги 6-мактаб биносида 750.000 сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Туманлардаги қатор маҳаллалар ва «Ҳамид Олимжон» номли фермер хўжалигига қурилиш ашёлари ажратдик. Уларга олиб борувчи йўлларни асфальтлашда ҳам кўмаклашдик. Куни кеча Оққўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини идорасини капитал, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими биносини эса жорий таъмирдан чиқардик... Хуллас, эл-улуснинг дуосини олаяпмиз. Кам бўлмаймиз...

Ҳеч қачон кам бўлманг, бинокорлар!

Ойгул РАЗЗОҚОВА.



Суратларда: *мазкур қурилиш корхонаси бинокорлари бунёд этаётган объектлардан лавҳалар ва жамоанинг илғор ишчи-хизматчилари.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

МАХСУС ТАЪЛИМГА ОИД ЛОЙИҲА

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигидаги тиббий кўмакка муҳтож болалар учун умумий таълимни ривожлантиришга оид лойиҳа ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, барчага чуқур таълим олиш имконини бераётгани таъкидланди. Мамлакатимизда имконияти чекланган болалар учун саксон олтита махсус мактаб-интернат мавжуд.

Ушбу махсус ўқув даргоҳларида тарбия олаётган болалар учун қулай имконият ва шароит яратиш, уларга зарур руҳий, тиббий, ижтимоий, педагогик кўмак кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ тиббий кўмакка муҳтож болаларга таълим беришга оид амалий чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайтирилмоқда.

Лойиҳа менежери Нодира Каримованинг таъкидлашича, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Осиё тараққиёт банки ўртасида эришилган келишув асосида бошланган «Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим» лойиҳаси уч йилга мўлжалланган бўлиб, вилоятлардаги олтита махсус мактаб-интернат ҳамда ўн иккита умумтаълим мактабини ўз ичига олган.

Умумий қиймати бир ярим миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа тиббий кўмакка муҳтож болаларнинг умумтаълим мактабларида билим олишига кўмаклашиш, илм даргоҳларини капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, махсус — инклюзив таълимга оид мослама ва қурилмалар барпо этиш, зарур жиҳоз ва ускуналар, мебеллар билан таъминлашни назарда тутади. Айни пайтда ўқитувчиларнинг инклюзив таълим бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ушбу йўналишда ўқув қўлланмалари, дарсликлар, услубий воситалар ишлаб чиқиш ва чоп этиш, жойларда махсус таълим бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лойиҳанинг муҳим йўналишларидандир.

Семинарда лойиҳа ижросини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Қашқадарё вилоятида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини, хусусан, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказилган хайрия тадбирларида ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилди. Уларнинг уй-жойини таъмирлаш, тарихий шаҳарлар ва қадамжоларга саёҳатлар уюштириш билан бирга, хонадонларига қорамол, қўй-эчки, паррандалар ҳам тарқатилмоқда. Вилоят бўйича 140 мингга яқин нуроний тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларни соғломлаштириш ишлари олиб борилди. Барча турдаги шифохоналарда 30 мингга яқин фахрий даволаниб чиқди, 1 минг 400 дан зиёд отахон ва онахонлар сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Шунингдек, ёрдамга муҳтож кексалар ва ногиронлар зарур дори-дармон, протез-ортопедия маҳсулотлари, махсус аравачалар, эшитиш мосламалари, кўзойнак, қўлтиқтаёқлар билан таъминланди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросига бағишлаб ўтказилган тадбирда ана шулар хусусида сўз борди. Унда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барча соҳаларда ўтказилаётган туб ислоҳотлар ва хайрли ишларга ўзларининг доно ўгит ва маслаҳатлари билан ёрдам бераётган, халқимиз ўртасида истиқлол йилларида эришилаётган улуғвор ютуқлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда фаол иштирок этаётган фахрийлардан иборат «Шукроналик» гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгаши ва тумандаги Корейс миллий-маданий маркази фаоллари Қуюв-механика заводида жамоа аъзоларининг касб байрами муносабати билан ташкил этилган кечада иштирок этдилар. Маълумки, мазкур завод темир йўл вагонлари ишлаб чиқариш ва таъмирлашга ихтисослашган бўлиб, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг 100 нафардан ортиғини ЎзХДП аъзолари ташкил этади. Анжуманда сўзга чиққан туман партия кенгаши раиси Ҳабибулла Розиметов бу ерда меҳнат қилаётганларни куни кеча нишонланган уларнинг касб байрамлари — темирйўлчилар куни билан табриклади. Фаол партия аъзолари ҳамда ўз меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ходимларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширди.

— Партия фаоллари бу ерга тез-тез келиб туришади, — дейди биз билан суҳбатда завод ишчиси Ёқуб Муҳаммедов. — Қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоблар бўлади. Уларнинг байрам арафасида бизни йўқлаши, кичик бўлсада совға-салом улашиши, энг асосийси бизга бўлган эътибори барча ҳамкасбларимни жуда хурсанд этди.

Беҳзод ШУКУРОВ.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН ДОНИ ВА НОНИ

«...Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча... Дон мустақиллигига эришиш... бу жуда муҳим якундир».

Ислом КАРИМОВ

Яқинда бир қария ҳикоя қилди.

— 30-йилларда болалар уйида тарбияландим. Замон жуда оғир, очлик, қашшоқлик эди. Ҳамма бирдек юпун яшарди. Ҳар бир жон кунлик нон меъёрий — «поёк»ига эга эди. Болалар ўртасида энг заифи, ориғи мен эдим. Ҳар сафар тонг билан уйғониб, ёстиғим остида бир бурда нонга кўзим тушарди. Аввалига ҳайрон бўлиб, «тарбиячилар раҳми келиб, қўйиб кетаётган бўлса керак» — деб юрдим. Аммо, кейинчалик билдимки, болалар менга ўз ризқиларидан қийиб, ҳар куни навбати билан бир бурдадан нон қўйиб юришаркан...

Қаранг, қария ўзининг бу ҳикояси билан менга номини ҳамиша бош ҳарфлар билан ёзса арзигулик НОННинг қадрини, буюклигини айтмоқчи бўлган экан...

•••

Мамлакатимиз Мустақиллигининг илк кезлари, аниқроғи, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида республикамизда кўп нарсаларда узилиш бўлди. Жумладан, дон ва дон маҳсулотлари танқислиги рўй бериб, бир муддат қийин аҳволда қолдик.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 7 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1082,27
1 Англия фунт стерлинги	2574,07
1 Дания кронаси	233,24
1 БАА дирҳами	345,57
1 АҚШ доллари	1269,08
1 Миср фунти	224,40
1 Исландия кронаси	20,47
1 Канада доллари	1194,88
1 Хитой юани	167,67
1 Малайзия ринггити	366,23
1 Польша злотийси	457,38
1 СДР	1942,42
1 Турция лирасы	987,46
1 Швейцария франки	1054,58
1 ЕВРО	1734,83
10 Жанубий Корея вони	13,75
10 Япония иенаси	108,94
1 Россия рубли	49,64
1 Украина гривнаси	251,30

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

КЕНГ ИМКОНИЯТ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимизда демократик янгиланишлар сари ишончли ва мустаҳкам, дадил қадамлар қўйилмоқда. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг қабул қилиниши билан бу борадаги ишлар яна бир поғона илдамлади, деб бемалол айтиш мумкин. Бу қонун фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш билан бирга, мамлакатимизда барча соҳаларда изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш, сиёсий партиялар ташаббускорлиги, масъулиятини кучайтиришда ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органларини шакллантиришда уларга ташкилий-ҳуқуқий имкониятларнинг кенгайишида катта аҳамиятга эга. Шунингдек, партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ўз фаолиятини ҳуқуқий давлатга хос бўлган фаоллик, ташаббускорлик асосида олиб боришда янада кенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлдилар.

Шу ўринда Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси фаолиятининг ўзига хос томонлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Фракция икки палатали парламент фаолиятининг илк кунлариданоқ парламентдаги ўрнидан келиб чиқиб, интерпелляция, яъни фракция аъзолари томонидан у ёки бу масалага аниқлик киритиш мақсадида ҳукуматга сўровлар юбориш, депутатлар воситасида қонун лойиҳалари устида ишлаш ва уларни қабул қилиш, ҳокимият органлари фаолиятини назорат қилиш каби жараёнларда фаоллик қилиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юқорида таъкидланган Конституциявий Қонун билан сиёсий партиялар фракцияларига берилган ҳуқуқий кафолатлар янада кенгайди. Қонунларда белгиланган ваколатларни тўла ҳаётга татбиқ қилишда кенг имкониятлар очилди. Шунингдек, Қонунда кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тариқасида ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритиши тўғрисидаги норма ҳам ҳар бир сиёсий партия ва унинг фракциялари олдидаги муҳим вазифаларни тўлақонли адо этишларида катта аҳамият касб этади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қуйи палата Спикерининг ўринбосарларини сайлади. Энди мамлакатимиздаги бешта сиёсий партия фракцияларининг раҳбарлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ҳисобланади. Бу Қонунчилик палатасидаги партия фракцияларининг ваколатлари ва имкониятларини кенгайтирибгина қолмасдан, балки ҳар бир фракциянинг Қонунчилик палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун лойиҳаларини ҳаёт талабларидан келиб чиқиб мукаммал ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, депутатларнинг ўзи номзод этиб кўрсатилган партия номидан мамлакатимиз сиёсий жараёнларида янада фаолроқ иштирок этишида ҳам катта туртки бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир сиёсий партиянинг ўз электорати билан янада яқинлашиши, сиёсий кучлар сафларининг кенгайиши, айниқса партияга илғор фикрловчи, ташаббускор, кишилар кириб келиши жараёнлари кучаяди.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ бу энг аввало катта масъулиятдир. Сиёсий партиялар ҳаётида рўй бераётган демократик ўзгаришлар ва қонунларда мустаҳкамлаб берилаётган ҳуқуқий нормалар, албатта, ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий, ташкилий вазифаларини қайта кўриб чиқишини талаб этади. Айниқса, партия дастурида Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти, унинг мақсад ва вазифалари ҳам ўз аксини топишига эришиш, фракцияларнинг парламентдаги фаоллигини ошириш жуда муҳимдир.

Шулардан келиб чиқиб, ЎзХДПнинг сўллик позицияси, ишлаб чиқаётган тадбирлари ва қабул қилаётган қарорлари бугунги кунда ички партиявий ишлардан аниқ ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу вазифаларни амалга оширишда эса вилоят, шаҳар ва туманларда ташкил қилинаётган долзарб мавзулардаги турли семинар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар яхши самара бераяпти. Бу тадбирларда ЎзХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Чунки бундай ташвиқот ва тарғибот ишларида депутатларнинг иштироки энг пастки қатламлардаги ҳар бир партия аъзосини, фуқароларимизни мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантириш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар билан таништириш уларнинг ҳам бевосита ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол бўлишини таъминлайди. Шунингдек, одамларнинг муаммо ва ташвишлари, бирор масалада мурожаатларини тинглаш, таклиф ва талабларини ўрганиш учун тузилган партия маҳаллий кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида ҳам партиямиз фракцияси аъзолари қуйи бўғин депутатлари билан биргаликда самарали қатнашаяптилар. ЎзХДП фракцияси раҳбарининг ҳам Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари этиб сайланиши энди ана шу қабулхоналарга тушган, депутатларга бўлган мурожаатларни умумлаштириб, мониторинг асосида қуйи палата муҳокамасига турли масалалар киритиш имкониятини янада кенгайтиради.

Юқоридаги Конституциявий қонун барча сиёсий партиялар сингари ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятида ҳам туб ижобий ўзгаришлар ясашига шубҳа йўқ. Негаки, берилган ҳуқуқ, имконият айни пайтда елкамизга катта масъулият ҳам юклайди. Бу масъулият мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантириш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳар биримизни янада ташаббускор, жонкуяр ва фаол бўлишга ундайди.

Гулистон АННАҚЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП Фракцияси аъзоси.

Қарор ва ижро

ЯНГИ МИЛЛИЙ ДАВЛАТ РАҚАМИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолиятини тартибга солиш, транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишга доир изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнда қабул қилинган «Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Қарор автомототранспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек, қалбакилаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинди.

— Мазкур ҳужжат асосида автомототранспорт ва уларнинг тиркамалари, ярим тиркамалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналари тасдиқланди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлими бошлиғи Анвархўжа Сулаймонхўжаев ЎзА мухбирига. — Ҳужжатга кўра, эндиликда юртимизда фаолият кўрсатаётган идора ва ташкилотлар ҳамда фуқароларимизга тегишли автомототранспорт воситалари давлат рақамларида, аввало, давлатимиз рамзи — Ўзбекистон Республикаси байроғи акс этади.

Юридик шахсларнинг автомобилларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, чети, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда ҳудуднинг коди, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва UZ ҳарфлари акс эттирилади. Жисмоний шахслар автомобилларига бериладиган янги давлат рақамининг умумий кўриниши ҳам шундай бўлиб, фақат ҳарфлар жойлашувида бироз фарқ бор. Яъни юридик шахслар автомобилларида учта рақам ва учта ҳарф кетма-кет жойлаштирилса, жисмоний шахслар автомобилларида битта ҳарф, учта рақам, кейин яна иккита ҳарф ўрин олади.

Олий давлат органлари, бошқарув органлари ва вазирликларнинг автомобилларига бериладиган давлат рақамларида аввал давлат байроғи, учта ҳарф ва учта рақам бўлиб, ҳудудий код бўлмайди.

Шунингдек, турли даражадаги халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар автомобиллари учун ҳам янги давлат рақами намуналари ишлаб чиқилди. Уларнинг фони асосан яшил ва сариқ рангда бўлиб, ҳарф ва рақамлар кетма-кет жойлаштирилади.

Умуман айтганда, янги белгиларнинг 25 га яқин тури бўлиб, автомобиллар учун алоҳида, бошқа транспорт воситалари, яъни юк машиналари, автобус, мотоцикл ва тиркамалар учун ҳам алоҳида давлат рақамлари ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, қарор асосида мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятига хос янги ҳудудий кодлар ҳам тасдиқланди. Улар ҳозиргидек 10, 30, 14, 22 эмас, балки иккита икки хонали сондан иборат. Масалан, Тошкент шаҳрининг ҳудудий коди рақами — 01-09, Андижон вилояти 60-69, Қашқадарё вилояти — 70-74, Навоий вилояти — 85-89 ва ҳоказо.

Давлат рақами белгиларини тайёрлашда ёруғликни акс эттирувчи қопламалардан фойдаланилади. Чидамли, емирилишга қарши металл қотишмалари қўлланилади. Булар қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминловчи тасдиқланган махсус технологияга мувофиқ амалга оширилади.

Давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилади. 2007 йил ва 2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, автомототранспорт воситалари учун, улар эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрий равишда, шунингдек, янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автомототранспорт воситалари учун мажбурий тартиб амал қилади.

2008 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 2011 йил 1 январгача — янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган), шунингдек, фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автомототранспорт воситалари учун мажбурий тартибда жорий этилади.

Эски давлат рақами белгиларини янгисига ихтиёрий равишда алмаштириш тўғрисида 2007 йил мобайнида мурожаат қилган автомототранспорт воситалари эгалари рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим тўлашдан озод қилинади. Яроқсиз ва йўқолган давлат рақами белгиларини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини мажбурий алмаштириш ҳоллари бундан мустасно.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА ёзиб олди.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ТЕКШИРГАНДА ТУШУМИ КЎПАЯДИГАН БОЗОР»

Газетанинг 2007 йил 23 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақола бир гуруҳ фуқароларнинг шикоят аризаси асосида тайёрланган бўлиб, унда Олтиариқ тумани «Деҳқон бозори»да йўл қўйилаётган айрим камчиликлар танқид этилган эди. Яқинда ана шу мақола юзасидан Фарғона вилоят прокуратурасидан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

«Мақолада тилга олинган фуқаро М.Алламова ва бошқаларнинг Олтиариқ тумани «Деҳқон бозори» МЧЖ раҳбари А.Нуриддиновнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси мутахассислар томонидан аризачилар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ариза асосида ўтказилган текшириш давомида «Ҳамза» мол бозорида патта пули 109,9 минг сўмни ташкил қилиб, 28 апрель кунига нисбатан 34,2 минг сўмга, 6 май куни «Қапчуғай» мол бозорида 153,2 минг сўм маблағ ундирилиб, 29 апрель кунига нисбатан 82,8 минг сўмга, Марказий деҳқон бозорида 6 май куни 247 минг сўм маблағ йиғилиб, ўтган ҳафта, якшанба кунига нисбатан тушум 75,2 минг сўмга ошган.

Бозор ҳудудидаги мавжуд бино ва иншоотлар учун 31 дона ижара шартномалари тузилган. Тузилган шартнома шартларига кўра 4 ойда 2 337 600 сўм маблағ ундирилиши лозим бўлгани ҳолда, ҳақиқатда 2 081 300 сўм патта тўловлари ундирилган.

Текшириш натижасига кўра, Олтиариқ туман «Деҳқон бозори» МЧЖнинг буйруғи билан ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган назоратчи паттачилар Д.Абдуллаев, Э.Абдулхаев, Т.Олимов, тарозибон Д.Сатторов, ҳуқуқшунос Н.Юнусовларга «ҳайфсан» эълон қилиниб, ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, бир марталик патта тўловлари ва пуллик хизмат кўрсатиш тўловларини тўлиқ ундирилишини таъминламаганлиги учун бош назоратчи Ш.Ортиқов вазифасидан озод қилинган.

Вилоят бозорлар уюшмаси томонидан вилоят Молия бошқармасига Олтиариқ туман «Деҳқон бозори» МЧЖнинг май ойи учун белгиланган истиқбол кўрсаткичлари режасига 500.0 минг сўм қўшишни сўраб мурожаат қилинган.

Ушбу мурожаат вилоят молия, Давлат солиқ бошқармалари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, бозорнинг тушум режасига май, июнь ойларига 500,0 минг сўмдан жами 1 млн. сўм қўшилган бўлиб, май ойи учун режа 4260,0 минг сўм, июнь ойи режаси 4270,0 минг сўм тўлиқ бажарилган, июль ойи режаси 4400,0 минг сўм этиб белгиланган.

Жорий йилнинг май, июнь ойларида ҳам вилоятдаги барча бозорларда вилоят назорат тафтиш, молия, солиқ бошқармаларини ходимлари иштирокида бир марталик патта тўловларини ундирилиши юзасидан мониторинг ўтказилган.

Бу йўналишда доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

М.ҚУРБОНОВ,
Фарғона вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

ЁШ ОИЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Президентимизнинг шу йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида қўллаб юртдошларимиз имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини олиб, турар-жой ва яшаш шароитларини янада яхшиламоқда.

«Ипотека банк»нинг Самарқанд филиалидан олинган маълумотга кўра, ўтган давр мобайнида вилоятдаги 14 ёш оилага салкам 14 миллион сўм истеъмол кредити, икки оилага уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити берилган.

— Шу пайтгача Самарқандга қишлоқдан қатнаб ишлардим, — дейди ургутлик Юсуф Бобоев. — Имтиёзли кредит берилаётганини эшитиб, «Ипотека банк»ка мурожаат қилдим. Ўн йил муддатга 7,5 миллион сўм кредит беришди. Шаҳардан уй сотиб олдим.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖОБАТИ

Андижон шаҳрида республика Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган кўчма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди

Яқинда Андижон вилоятида бўлиб ўтган ана шу кўчма йиғилиш қатнашчилари дастлаб Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишди. Шундан сўнг Асака шаҳридаги ҳомийлар томонидан капитал таъмирланган 8-мактаб, Андижон туманидаги жорий йилда капитал реконструкция қилинган 23-мактаб, Қорасув шаҳридаги «Болалар спорт мажмуаси» ва Қўрғонтепа туманидаги 27-мактаб қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» кундузги болалар оромгоҳи ва Қўрғонтепа туманидаги янги қурилган 22-мактабни кўздан кечиришди. Ушбу муассасаларда ташкил этилган семинарларда қуриб таъмирланган мактабларни қабул қилиб олиш жараёнлари, уларни ўқув жиҳозлари ва дарсликлар билан таъминлаш ҳамда «Ёз — 2007» спорт тадбирларининг ўтказилиши билан боғлиқ амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Йиғилишда Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси мутасаддилари ҳамда вазирлик тасарруфидаги барча педагогика институтлари ректорлари иштирок этди.

ШЕРЗОД АҲМАТОВ,
Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати ходими.

ЎЗБЕКИСТОН ДОНИ ВА НОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида эндлик билан мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг ўзаги — аҳолини дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи эди. Зеро, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштириш ва бу маҳсулотлар бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди.

Давлатимиз раҳбари ғояси — Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати кенг қамровли саъй-ҳаракатларни бошлаб берди. Уларни муваффақиятли тарзда поёнига етиши учун оддий деҳқондан тортиб, мутахассислар ва тармоқ раҳбарларигача жуда катта масъулият билан ишладилар. Ана шу масъулият қисқа вақт ичидаёқ мамлакатда дон етиштириш динамикаси (ўсиши)ни яратди: масалан, 1990-1992 йилларда юртимизда жами ғалла майдони 770-870 минг гектар бўлган бўлса, шундан 220-300 минг гектари суғориладиган майдонлар эди. Унинг ҳам асосий қисмини баҳорда беда билан аралаштириб экилган дон ташкил қиларди. Ғалла майдонларининг кўпини (550-560 минг гектарини) лалмикор майдонлар ташкил этар, лалмикорликда ҳосилдорлик 7,5-9,0 центнердан ошмасди.

Суғориладиган майдонларда ғалла экинлари 1993 йилдан кўпайтирила бошланди. 1996 йилга келиб умумий ғалла майдони 1116,2 минг гектарга етказилди. Ҳосилдорлик 1992 йилги 23,5 центнер ўрнига 2002 йилда 42,4 центнерга етди ёки салкам икки маротаба кўпайди. Ялпи ҳосил эса суғориладиган майдонларда 1993 йилдаги 814 минг тоннадан 2002 йилда 5366,8 минг тоннага етказилди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, дон етиштириш экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтирилди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда бошланган ғалла мустақиллигига эришиш борасидаги эзгу ҳаракатлар 1997-1998 йилларга келиб тўлиғича амалга оширилди. Натижада четдан ғалла сотиб олишга эҳтиёж қолмади. Ғаллачилик сердаромад соҳага айлана борди. Ғаллакорлар мўмайгина соф фойда ола бошладилар.

Тармоқда ҳосилдорлик қўшни республикаларга нисбатан 1,5-2 баравар ортиши кузатилди. Аҳоли ҳам бу йилларга келиб, давлат томонидан ижтимоий ҳимоя йўлида ажратилган қўшимча ер майдонлари — томорқаларида дон етиштириш ҳадисини олдилар. Натижада, 2002 йилда мамлакатимизда илк бор 5 миллион тоннага яқин ҳажмда дон хирмони уюлди.

- 2003 йилда 5 миллион тоннадан зиёд..,
- 2004 йилда 5,5 миллион тонна атрофида..,
- 2005 йилда 5,8 миллион тоннадан ошикроқ..,
- 2006 йилда 6 миллион 100 минг тонна..,

Ниҳоят, Мустақилликнинг ўн олтинчи фасли — **«Ижтимоий ҳимоя йили» (2007)да 6 миллион 250 минг тонна!**

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотлари билан барқарор таъминланди. Бозорларда, дўконларда нон ва нон маҳсулотлари нархи — ён теварагимиздаги давлатларга қараганда анча арзон бўлишига эришилди. Буларнинг ҳаммаси, шаксиз, юртимизда дон мустақиллиги дастури изчил, босқичма-босқич амалга оширилиши эвазига қўлга киритилди. Улар нималардан иборат эди?

Аввало, юртимизда ғаллачилик соҳасига эътибор кучайди, соҳадаги моддий манфаатдорлик юқори даражага қўйилганлиги — ютуқларнинг бош омили бўлди. Бошида ғалла етиштиришнинг оила пудрати, кейинчалик ширкат, фермер хўжаликлари асосида ташкил қилиниши ва давлат буюртмасининг аста-секин камайтириб борилиши, режадан зиёд етиштирилган донни эркин сотиш имконияти яратилганлиги вақтида ва тўғри амалга оширилган тадбирлар бўлганлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Қувончли жойи шундаки, мамлакатимиз тарихда биринчи бор четга ун экспорт қила бошлади.

Энди тасаввур қилинг: яқин-яқингача аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машаққатлар эвазига четдан келтирилган мамлакатда қисқа вақт ичида ҳақиқий мўъжиза юз берди. Кечагина юз минг тоннанинг нари-берисида буғдой етиштирилган ўлкада бугун миллион-миллион тонналик олтинранг хирмонлар бунёд этилмоқда.

Истиқлолгача пахтадан бо шқа экин экилмаган далаларда бугун минг-минглаб гектарлик ғаллазорлар денгиздек мавжланиб ётибди. Энди ўзбек деҳқонининг омбори донга тўла, дастурхонидан ўз нони узилмайди. Бугун Ўзбекистон ғаллачиликни ривожлантириш борасида ҳам бекиёс имкониятларга эга эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Айни чоғда юртимизда гектаридан 70-80 центнердан ошириб сара дон олаётган омилкор деҳқонларни юзлаб, минглаб топиш мумкин. Уларнинг баъзилари ҳатто 85-90 центнерлик маррани забт этишга ҳам муваффақ бўлишаяпти. Мутахассислар эътирофича, республикамизда ғалла ҳосилдорлигини ошириш, унинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос, истиқболли навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар келажакда янада янги натижалар бериши муқаррар.

Ёзаётган ушбу битигимизнинг айни шу сатрлари исботини Президентимизнинг биргина шу йил, 16 июль куни 6 миллион 250 минг тонналик улкан ғалла хирмони тикланиши муносабати билан **Ўзбекистон ғаллакорларига** йўллаган табриги мазмун-моҳиятида ҳам яққол кўриш мумкин.

«Мамлакатимиз бўйича суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 48 центнерни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 4 фоизга ўсгани буни яққол тасдиғидир, — дейилади табрикда. — **Айниқса, ҳосилдорлик даражаси Андижон вилоятида — 60 центнер. Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида эса 50 центнердан ортиқ бўлгани, Олтинкўл ва Қўрғонтепа, Вобкент ва Пайариқ, Сариосиё ва Денов, Қува, Китоб ва Яккабоғ каби туманларда эса 55-60 центнердан ошгани миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва бекиёс маҳоратининг ёрқин далили, десак, ўйлайманки, бутун халқимизнинг дилидаги гапни айтган бўламан...»**

Бешак, давлатимиз раҳбари бутун халқимизнинг айни дил сўзларини ифода этди. Чунки, халқ шуни яхши биладики, мустақиллик йиллари ғаллакорларимиз йил сайин эришаётган бу ютуқлар, пировардида, аҳолини нафақат дон маҳсулотлари билан таъминлайди, айни пайтда шунинг ҳисобидан даромад топиш, янги иш жойларига эга бўлиш, қишлоқларда қурилиш, ободонлаштириш ишларини авж олдириш, хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини яратиш сингари кўламларда ҳам ҳар томонлама кенг имкониятлар беради. Зеро, қадим-қадим замонларданоқ, уруғ-аймоқларимизу, ота-боболаримиз дон етиштириш, донли экинлар экиш касбу корлигига бежиз: дон, бу — нон, бу — ҳаёт, ризқ-рўз манбаи сифатида қараб келмаган, ахир...

Аслида ҳам унинг бутун моҳияти: азизлиги, мўътабаларлиги, кучи, қудрати ва буюклиги ҳам шунда! Мақоламиз бошида тилга олинган қариянинг нон қадри ҳақидаги хотираси мантиғи ҳам шунда бўлса ажаб эмас. **«...Дон мустақиллигига эришиш... бу жуда муҳим якун»,** — деган Юртбошимиз таърифининг **Бош якуний мағизи** ҳам шак-шубҳасиз шундадир!

●●●

Халқимиз ҳамиша эзозлаб, муқаддас неъмат деб билиб келган **НОН** — бу дон ҳосиласи... Оллоҳга шукроналар бўлсин, у етиштирилаётган далалар — Ўзбекистон буғдойзорлари бугун Мустақиллик деган тушунчанинг ўзидай кенг ва дилбар... Ташбеҳли қилиб айтганда, Ўзбекистон Истиқлол йиллари бошидаёқ эккан уруғи ҳосилини энди йил сайин қутбаракаси билан олмоқда. Бу уруғнинг номи эса оқилона мустақил сиёсат!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Қонун барчага баробар

Солиқ соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Дарвоқе, солиқ интизоми, аввало, солиқ тўловчининг маданияти билан чамбарчас боғланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти бошлиғи Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатимиз ана шулар хусусида бўлди.

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИДА

— Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, ҳисоботлар тақдим этиш, рухсатномалар бериш тартибларининг соддалаштирилиши, текширишларга чекловларнинг кучайтирилиши, ҳуқуқий таъсир чораларини суд орқали қўллаш тартибининг жорий этилиши, молиявий жавобгарликнинг эркинлаштирилиши уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир.

Аммо, давлат томонидан солиқ юкини камайтириш, ички ишлаб чиқариш потенциалини кўтариш борасидаги имтиёзлар, енгилликлар жорий этилишига қарамай, айрим фуқаролар томонидан мавжуд тартиб-қоидаларни бузиш ҳолатлари афсуски ҳали-ҳануз учрамоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Департамент органлари томонидан солиқ ва валютага оид 2399 та жиноят ва 1546 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фош этилди.

Масалан, контрабанда товарларининг ички бозорга кириб келиш каналлари ўрганилганида, Тошкент шаҳридаги «Сундус» қўшма корхонаси раҳбарлари ҳеч қандай солиқ имтиёзларига эга бўлмасалар-да, улардан асоссиз фойдаланишган. Оқибатда корхона 2005-2006 йилларда 30,5 млрд. сўмлик товарларни ноқонуний импорт қилиб, 20,4 млрд. сўмлик солиқларни қасддан тўламаганлар. Солиқ тўламаслик, аввало, маданиятсизлик. Сўнгра яратилаётган имтиёзларга ҳурматсизликдир, суиистеъмолликдир.

Айрим хўжалик юритувчи субъектлар эса солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан ғараз мақсадларда фойдаланишгани кўзга ташланади.

Косон туманидаги «Косон нефть-газ қидирув экспедицияси» корхонаси раҳбарлари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, 2005-2006 йилларда корхона ҳисобида бўлган мол-мулкка солиқ имтиёзларини қасддан нотўғри қўллаган ҳолда молмулк ҳисоблаш объектини 7,2 млрд. сўмга камайтириб кўрсатиб, 251,3 млн. сўм солиқ тўловларини қасддан тўламаганлар.

Хусусий тадбиркор О.Юнусов эса харидор С.Ярматовга 1 та «Митсубиси» автомашинасини 77 млн. сўмга сотган. Лекин йўл фондига тўланиши лозим бўлган 4,4 млн. сўмни қасддан тўламаслик учун ногиронларнинг ушбу мажбурий тўловдан озод қилиниши бўйича имтиёзидан ғараз мақсадда фойдаланган. Яъни, автомашина дастлаб гўёки ногирон Л.Усмоновага 60 млн. сўмга, сўнгра шу куннинг ўзида унинг номидан С.Ярматовга 500 минг сўмга сотилганлиги нотариал идорада расмийлаштирилган. Оқибатда йўл фондига тўланиши лозим бўлган 4,4 млн. сўм ўрнига, 30 минг сўм ҳисобланган, холос.

— **Валюта операциялари бўйича ҳисоботларнинг тўлиқлигини назорат қилиш, хорижий валютанинг ноқонуний айланмаси ҳамда валюта айирбошлаш ва бошқа бу соҳадаги қонун бузилишларини бартараф этишга йўналтирилган тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Бу борада ноқонуний ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган тадбирларда жорий йилнинг олти ойида 370 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Натижада 11,3 млн. АҚШ доллари, 26,2 млн. Россия рубли ва бошқа чет эл валюталарининг ноқонуний айланмаси аниқланиб, экспорт-импорт шартномалари бўйича 14,6 млн. АҚШ доллорилик дебитор қарздорликнинг камайишига эришилди.

Хусусий тадбиркор И.Шелягина экспорт шартномаларини банк ва божхона органларида рўйхатдан ўтказмасдан, валюта ҳисоб рақамини очмасдан, 332 тонна қўй ичакларини экспорт қилиб, 10,8 млн. АҚШ долларидаги чет эл валютаси тушумини яширган.

Тошкентлик М.Мирзаахмедов 11 минг АҚШ долларини 14 млн. сўмга сотиб олаётганида, нукуслик фуқаро Ф.Джулмагамбетов 8 минг АҚШ долларини 10,2 млн. сўмга сотаётганларида ушландилар.

Шунингдек, олтин ва қимматбаҳо жисмларнинг ноқонуний муомаласига барҳам беришга қаратилган тадбирларда 657,2 гр. олтин кукунлари, 40 гр. олтин қуйма, 1 дона олтин танга, 1938 дона олмос (бриллиант) тошлар олиб қўйилди.

Бухоро шаҳрида фуқаро Г.Яқуббоев контрабанда йўли билан олиб келган олмос тошларидан 150 донасини сотаётганида ушланди. Ундан жами 1938 дона, 24 минг АҚШ доллари қийматдаги олмос тошлар олинди.

— **Яширин цехлар иқтисодиёт кушандаси. Бу хилдаги ҳуқуқбузарлар фаолиятига чек қўйиш Департамент ходимларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.**

— Албатта. Биринчи навбатда яширин цехлардан чиқаётган «маҳсулотлар» аҳоли саломатлигига катта хавф солади. Шунинг учун Департамент ходимлари бу хилдаги «тадбиркорлар» фаолиятини фош қилиб, истеъмолчилар манфаатини оёқ ости қилувчи бундай ҳолатларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, ўтган вақт ичида 372 та ана шундай яширин цехлар фаолияти тўхтатилди.

Беруний шаҳрида фуқаро И.Янгибоев ўз уйида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган яширин цех ташкил қилган экан. Ундан 280 кг. чигит, 120 кг. кунжара, 18 литр ўсимлик ёғи далилий ашё сифатида олинди.

Яширин цехлардан ташқари этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомалага киритилиши ҳам иқтисодиётимиз ҳамда инсонлар соғлигига жиддий зиён етказади.

Жорий йилнинг шу даврига ча этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ 986 та жиноят ишлари қўзғатилиб, жами 347,6 млн. сўмлик ушбу турдаги маҳсулотлар олиб қўйилди. Ўтказилган тадбирларда «иккиламчи» маҳсулотларни саноат асосида ишлаб чиқариб, ноқонуний муомалага киритиш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар фош этилди.

Жумладан, «Наманганвино» жамияти раҳбари Я.Ибрагимжонов 3 та вино пунктлари раҳбарлари билан тил бириктириб, гўёки уларга 219 млн. сўмлик 262 тонна этил спирти чиқим қилинганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тузади ва 1,1 млрд. сўмлик «иккиламчи» ароқ ишлаб чиқариб, нақд пулга сотади. Ўйлаб кўрсангиз, ўз жиғилдонини кўзлаб сифатсиз маҳсулотларни сотувга чиқарган бу инсонларнинг қилмишидан қанча одам азият чекиши, соғлигига путур етиши мумкин...

Яқинда яширин цехларни қалбаки акциз маркалари билан таъминлаётган **«марказ»** фош этилди.

Беруний туманида фуқаро Х.Бердиев 56 минг дона қалбаки акциз маркалар олиб кетаётганида ушланди. Унинг кўрсатмаси асосида суриштирув олиб борилганда қизиқ ҳолатга дуч келинди. Маълум бўлишича, Тошкент шаҳридаги «Алгоритм» корхонасида қалбаки акциз маркаларини босма офсет усулида чоп этиб, мамлакат миқёсида тарқатадиган уюшган жиноий гуруҳ бор экан. Улар фаолиятига чек қўйилди, унинг ўнга яқин аъзолари жиноий жавобгарликка тортилди.

Жиноий гуруҳдан 100 минг донадан зиёд қалбаки акциз маркалари, 37 та қолиплар, 4 қути махсус сиёҳлар, 2 та рақам босиш муҳри ва бошқа ускуналар олинди.

— **Жиноятчиликка қарши курашнинг энг маъқул усули унинг олдини олиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш ҳисобланади. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 2005 йил 28 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида **«Бу идораларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки, энг муҳими, солиққа доир жиноятларининг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир»,** деб таъкидлаган эдилар.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Департамент органларида иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш, ҳар бир жиноятнинг жазосиз қолмаслиги, фуқаролар ўртасида иқтисодий фаолият ва солиқ сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини бажаришнинг зарурлиги, солиқ тўламаганлик учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди.

Айниқса, бу борада тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларининг мазмунмоҳияти ва уларнинг талабларини тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Суҳбатдош: Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ

НАРХИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

«Green Oil» компанияси Америка бозорида ишлаётган «Лукойл» ва қатор бошқа корхоналарни нефть маҳсулотлари улгуржи баҳосини ошириш мақсадидаги тил бириктирувда айблаб чиқди. «Коммерсант» газетасининг ёзишича, судга топширилган даъвода АҚШда фаолият кўрсатаётган шўъба корхоналарни сотиш талаби қўйилган. Иллинойсдаги АЁҚШга эга бўлган «Green Oil» АҚШдаги чакана савдо учун ёнилғи харид этаётган барча америкалик корхоналар номидан иш кўраяпти. «Saudi Aramco» (Саудия Арабистони), Венесуэланинг «PdVSA» давлат компанияси, шунингдек «Лукойл»га тегишли «Getty Petroleum» ва «Lukoil Americas» жавобгарлар рўйхатидан ўрин олган.

Даъво аризасида тасдиқланишича, жавобгарлар ўзаро келишув асосида нефть қазиб олиш меъёрларини атайин ўзгартиришган, бундан АҚШдаги мустақил АЁҚШ эгаларига катта зиён етган. Чунончи 2002 йилда юқорида номи келтирилган учта компания Уммон, Мексика, Норвегия ва Англиянинг нефть корхоналари билан олти ойга нефть қазиб олишни қисқартириш тўғрисида гўёки келишиб олишган.

Даъвогар нарх-наво бўйича ўзаро тил бириктирув фактини тан олишни, жабрланганларга зиённи қоплашни ҳамда «Лукойл», «Saudi Aramco» «PdVSA»ни Америкадаги мавжуд шўъба компанияларини сотишга мажбур этишни талаб қилмоқда. Агар «Green Oil» ютиб чиқса, унда Америка нефтни қайта ишлаб чиқиши салкам саккиз фоизининг эгаси ўзгаради, «Лукойл» эса тўрт миллиард долларлик активлари устидан назоратни йўқотади. Лекин экспертлар даъвонинг истиқболсиз эканлигини айтишмоқда.



ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАР

ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Хорватиянинг Дубровник курорт шаҳрида ёнғинлар туфайли фавқулодда ҳолат жорий этилган. Ўтган шанбада рўй берган ёнғин шаҳарга яқинлашган. Бир неча уй ёниб кетган, 21 ўт ўчирувчи жабр кўрган. Маълумки, Дубровник шаҳрига бундан 1300 йилдан кўпроқ муқаддам асос солинган ва у «ЮНЕСКОнинг жаҳон хазинаси» рўйхатига киритилган.

Шуни айтиш керакки, Калифорния штатининг губернатори Арнольд Шварцнегер томонидан ҳам Санта-Барбара округида ўрмонлардаги ёнғинлар туфайли фавқулодда ҳолат жорий этилганди. Бундай нохуш аҳвол Монтана, Айдахо ва Вашингтон штатларида ҳам вужудга келган.

БИТТА ДВИГАТЕЛДА

ЭСОН-ОМОН ҚЎНДИ

«Дальавиа» авиакомпаниясига қарашли ва Москва-Хабаровск йўналиши бўйича парвоз этаётган «Ту-214» ҳаво кемаси Благовешченск аэропортига қўнишга мажбур бўлган. «Интерфакс» агентлигининг маълумотларига кўра, у ишлаётган битта двигатель билан ерга эсон-омон қўнган. Экипаж ва аэропорт барча хизмат ходимларининг аниқ хатти-ҳаракатлари туфайли 185 киши ҳаёти сақлаб қолинган. «Дальавиа» техник директори А.Дубининнинг айтишига қараганда, захираси 10 минг соат бўлган ҳолда бор-йўғи 2,5 минг соат ишлаган двигателнинг панд бериши боис қўнишга тўғри келган. Шуни айтиш керакки, шу йил 20 майда Москвадан учган «Домодедово авиайўналишлари»га тегишли «Ту-214» ҳаво кемаси ҳам носозлик туфайли ушбу аэропортда қўнишга мажбур бўлганди.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ СОТУВИГА

ДАХЛДОРЛИГИНИ РАД ЭТСА-ДА...

Ливия француз компаниялари билан қурол-яроғ етказиб бериш юзасидан умумий миқдори 405 млн. евро бўлган иккита битимни имзолаган. Франция президенти Николя Саркози ушбу битимлар Болгария ҳамшираларини озод этиш эвазига бўлмаганлигини билдирди. Ҳолбуки Ливия раҳбарининг кенжа ўғли Саиф ал-Ислом Каддафий «Le Monde» газетаси учун мусоҳабада Франция уларнинг ватанига чиқариб юборилиши эвазига Ливияга замонавий қурол-яроғлар етказиб беришни ваъда қилганлигини таъкидлаганди. Франция ташқи ишлар вазири Бернар Кушнер унинг баёнотини рад этди. Лекин Николя Саркозининг матбуот котиби Давид Мартинон ўзаро битим тузилганлиги ҳақидаги хабарни шарҳлашда қатъиятли бўлмаган, буни ҳақиқатга яқин деган. Унинг сўзларича, Европанинг «European Aeronautic Defence Space Co» (EADS) концерни шундай компаниялардан бири бўлиши мумкин. — EADS сингари компанияларнинг тижорат битимларини муҳокама этиш менинг вазифамга кирмайди, — деган у, — афтидан бу компания мазкур битимни тузган.

БАЙРАМОЛДИ ТАДБИРЛАРИ

Шу кунларда Урганч шаҳрига йўли тушган меҳмон шаҳарнинг қоқ марказидаги улкан қурилишларни кўриб ҳайратга тушади. Мустақилликнинг 16 йиллиги байрамигача шаҳарнинг бош майдони таниб бўлмас даражада ўзгаради. Майдон марказида олтита улкан фаввора қурилмоқда. Шунингдек, бу ерда шаҳарнинг бош куранти ўрнатилиши ҳам режалаштирилган.

Айни пайтда майдон атрофидаги биноларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри биноси ўзгача чирой касб этмоқда. Майдоннинг энг кўркам жойига эса юртимиз фахри — буюк олим Муҳаммад ал-Хоразмийнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилиши режалаштирилган.

Майдон атрофидаги ҳокимлик ва бошқа маъмурий биноларда ҳам катта ҳажмдаги таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб бориляпти. Бир сўз билан айтганда, бу байрамолди юмушлари хоразмликларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига тайёрлаган муносиб совғасининг бир бўлагидир.

Рўзимбой ҲАСАН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ДАВЛАТ СЕКТОРИ АУДИТИ ИНСТИТУТЛАРИ ПОТЕНЦИАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

Давлат сектори ички аудити бўйича консультацион компания ТАНЛОВИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Давлат сектори аудити институтлари потенциалини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида давлат сектори ички аудити бўйича халқаро консультант ёлланган бўлиб, у юкланган вазифаларни бажаришда маҳаллий консультантлар томонидан қўллаб-қувватланиши кўзда тутилган. Консультантлар хизмати Жаҳон банки ИРФ гранти ҳисобидан молиялаштирилади.

Консультацион хизматларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Молия вазирлигининг ички аудит бўйича мавжуд бўлган ташкилий ва институционал тадбирларининг таҳлили.
2. Ички аудит бўйича ўқув қўлланмасини ишлаб чиқиш.
3. Ходимлар учун мамлакат ҳудудида ўқув машғулотларини ташкил қилиш.

Молия вазирлиги маҳаллий консультацион компанияларни ушбу консультацион хизматларни кўрсатишга истак билдиришни таклиф этади. Танловда қатнашишни хоҳловчи компаниялар кўрсатилган фаолият бўйича етарли даражада тажрибаси борлигини тасдиқловчи маълумотларни (брошюралар, кўрсатилган фаолият бўйича компания томонидан амалга оширилган иш ва хизматлар рўйхати ҳамда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш бўйича юқори тажрибага эга бўлган мутахассислар рўйхати ва ҳ.к.) тақдим этиши лозим.

Консультацион компания Жаҳон банкининг 2004 йил май ойида нашр этилган «Жаҳон банки қарздорлари учун консультантларни танлаш ва ёллаш қўлланмаси» асосида танлаб олинади.

Танловда қатнашиш истаги бўйича ҳужжатлар тўплами босма ёки электрон кўринишда 2007 йил 21 август соат 18.00 га қадар қуйида келтирилган манзилга етказиб берилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилик бошлиғи — Молия вазири ўринбосари
Б. Ашрафхановга
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
100008, Мустақиллик майдони, 5
Тел.: (998-71) — 139-1168;
факс.: (998-71) — 139- 4238
Электрон. почта:
HMahmudov@treasury.mf.uz

Истак билдирувчи консультацион компаниялар қўшимча маълумот олиш учун юқоридаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК»нинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли муҳим фактлар ҳақида ХАБАРНОМА

05-хабар

Даромадлари ҳисобланган ва (ёки) тўланаётган (тўланган) қимматли қоғозлар тури, шунингдек акциялар учун — категорияси (тури): имтиёзли акциялар.

Банк томонидан акциялар бўйича дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санаси: 2007 йил 3 август.

Акциялар бўйича дивидендларни тўлаш муддати: 2007 йил 6 августдан — 4 октябргача.

Дивидендларни ҳисоблаш вақтида — акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилган банк бошқаруви органи: кузатув кенгаши.

Кўрсатилган категория (тур)даги ҳар бир акцияга ҳисобланган, тўланаётган (тўланган) дивиденд миқдори: имтиёзли акция учун — 20 сўм.

Даромадлари ҳисобланган бир категория (тур)даги акциялар умумий сони бўйича ва даромадлари тўланган бир категория (тур)даги акциялар умумий сони: имтиёзли акциялар умумий сони — 3 200 000 дона.

Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадларни тўлаш шакллари (пул маблағлари, бошқа молмулк): пул маблағлари.

08-хабар

Қимматли қоғозлар эгаларининг олдидаги банк мажбуриятлари: банкнинг имтиёзли акциялари учун дивидендлар тўлаш.

Қимматли қоғозлар эгалари олдидаги банк мажбуриятларини бажариш муддатлари: 2007 йил 6 августдан — 4 октябргача.

МЕҲР ВА ОҚИБАТ МАСКАНИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА АНЪАНАВИЙ «МАҲАЛЛА КУНИ» ТАДБИРИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Тарихга назар солсак, маҳалланинг қанчалик кўҳна мерос экани, аждодларимиз бундан минг йиллар аввал ҳам маҳаллага бирлашиб, аҳиллиноқ истиқомат қилишгани, ҳаётларига тегишли ҳар қандай масалани унга суянган ҳолда ҳал қилишгани, бир сўз билан айтганда маҳалла узоқ ўтмишда ҳам юртимиз ҳудудида улкан бошқарувчилик ролига эга бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга биргина мисол қилиб Наршаниб, меҳр ва оқибат маскани деган ном олишга улгурди.

Ҳозирги пайтда биргина Тошкент шаҳрида 474 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 2 мингга яқин фидойи маҳалла фаоллари меҳнат қилишмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан жорий йилнинг 6 ойи давомида 39620 та кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, ёлғиз қария ва ногиронларга 458 млн. сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад маҳаллалар фаолиятига баҳо бериш, улар амалга ошираётган ишларни сарҳисоб қилиб, ютуқларини оммалаштириш, маҳаллалар билан ҳамкорликни кучайтиришдир. Яна, шунингдек, маҳаллалардаги ижтимоий муҳит, бандлик масаласи, жойлардаги комиссияларнинг маънавий-маърифий ишлар, ёшлар тарбияси борасида олиб борилаётган ишлари самарадорлигини оширишдан иборат.

хийнинг IX асрда ёзилган «Бухоро тарихи» номли асарида Бухорода бундан 1100 йил аввал бир неча маҳалла бўлгани ҳақидаги қайдларини келтиришнинг ўзи кифоя.

Дарҳақиқат, бу тузилма қанчалик узоқ тарихга эга бўлса, ҳозирги кунда ҳаётимизда шунчалик улкан аҳамият касб этиб бормоқда. Бугун юртимизда нима иш қилинмасин, қандай тадбир амалга оширилмасин, албатта маҳалланинг иштироки билан бўлаётганлиги барчамизга аён ҳақиқат. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўл урилган кўплаб ибратли, хайрли ишлар қаторида 1992 йил 12 сентябрда «Маҳалла» жамғармасининг ташкил этилиши бўлган эди. Жорий йилда ушбу жамғарманинг ташкил топганига 15 йил тўлади. Бу вақт давомида жамғарма томонидан қанчадан-қанча амалий ишлар қилинди, кам таъминланган, эътибор ва ғамхўрликка муҳтож неча-неча оила ҳам моддий, ҳам маънавий кўмакдан баҳраманд бўлди. Энг муҳими, истиқлол йилларида маҳалла халқимизнинг чинакам суянчига айланган.

Куни кеча Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Маҳалла куни» байрам тадбирида пойтахтимизнинг барча туманларидан маҳалла жонкуярлари, оқсоқоллар, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фаоллар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анвар АҲМЕДОВ, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси:

— Муҳтарам Президентимиз томонидан фуқаролар йиғинларига катта ишонч билдирилиб, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ушбу тизимни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Ҳозир маҳалла тизими барча жабҳаларни ўз ичига қамраб олиб, ҳудудда тинчлик-осойишталикни сақлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ободонлаштириш, олиб борилаётган ислоҳотларни аҳолига тушунтириш ҳамда ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим вазифаларни бажариб келмоқда. Маҳалла халқнинг дарди билан яшаб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари боришда давлат билан жамият ўртасида муҳим кўприк вазифасини ўтамоқда. Қисқа қилиб айтганда, бугунги тадбир ҳам ана шу йўлдаги қадамлардан биридир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, анъанавий бу тадбирда пойтахтимиз маҳаллалари ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам ташкил этилди. Унда туман босқичидан сараланган ғолибларнинг намунавий ишлари ҳакамлар ҳайъати кўригидан ўтказилди. Бундан ташқари, байрам тадбирида қуйи бўғинда ўтказилган 9 номинациядан иборат кўрик-танлов ғолиблари эълон қилиниб, уларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хурсаной ДАВРОНОВА, Собир Раҳимов туманидаги «Беруний майдони» маҳалласи раиси:

— Маҳалламизни туман, шаҳар, республика «Маҳалла» жамғармалари қўллаб-қувватлаб турибди, кези келганда ёрдамларини аяшмаяпти. Бу эътибор бизни янада фаолроқ бўлишга ундайди. Бугун ҳудудимизда 4200 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Улар асосан кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Бу оилаларни бирлаштириш, аҳиллик ва яқин қўшничилик анъаналарини амалда кўрсатиш учун бугун биз қўлимиздан келган барча ишни қилаяпмиз. Олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугун шаҳримиздаги «Энг обод маҳалла» деган номга сазовор бўлдик. Бу ютуқ, бундай натижа бизга куч бағишлайди, маҳалла ишида янада фаол бўлишга руҳлантиради.

Шу куни байрам тадбирига йиғилган барча-барча кўтаринки шодиёнанинг гувоҳи бўлишди. Хонандалар ижросидаги бадиий чиқишлар кўнгилларга завқ-шавқ бағишлади. Бир сўз билан айтганда, истиқлолимизнинг қутлуғ 16 йиллик тантаналари арафасида ўтган бу тадбир юртдошларимиз қалбида маҳалладек мўътабар масканга муносабат ўзгарганлиги, унинг бугун ҳақиқий маънодаги фидойи ва жонкуярлари борлигини яна бир бор намоён этди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ
Суратларда: *байрам тадбиридан лавҳалар.*
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ЯХШИЛИК ШАРОФАТИ

ТУФАЙЛИ НУКУСДА КИЕВЛИК РАССОМ, ФИДОЙИ МАЪРИФАТЧИ ИГОРЬ САВИЦКИЙ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН БАДИИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИГА АСОС СОЛИНГАНДИ

Мамлакатимизнинг Оролбўйи ҳудуди табиатининг ўзига хос бетакрорлиги, одамларининг оққўнгил ва меҳнаткашлиги, бой маданияти ва қадриятлари билан азалдан сайёҳлар диққатини ўзига тортиб келган. XIX асрнинг биринчи ярмида Амударё орқали кемада сузиб ўтган рус рассоми Карасин дарё бўйида жойлашган Хўжайли шаҳрини «Осиё Венецияси» деб атаган бўлса, шарқшунос ва таржимон Герман Вамбери Оролбўйи табиатининг гўзаллигини тасдиқлаб, «йигитлари мард, қизлари қўлигул, ҳунарманд, тарихий ва маданий меросларга бой» халқ эканлигини ўз асарларида ёзиб қолдирган.

Ҳеч шубҳасиз, бу халқ бой тарихий ва маданий меросининг ноёб нусхалари ҳозирги кунда Нукусдаги давлат бадиий санъат музейи залларида кўз қорачиғидек сақланмоқда. Қадимдан асосан деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик билан шуғулланиб келган қорақалпоқ элининг бугунги даврга келиб дунёга маълум музейларига эга бўлишининг ўз тарихи бор.

1915 йилда Киев шаҳрида туғилиб, 1940-46 йилларда Москвадаги Суриков номидаги рассомчилик институтида таҳсил олган рассом Игорь Витальевич Савицкий айни пайтда Лувр, Эрмитаж, Третьяков галереяси сингари дунё миқёсида танилаётган Нукусдаги давлат бадиий санъат музейининг асосчиси ҳисобланади. Ўзи ўқиётган институтнинг 1942 йилда эвакуация қилиниб Самарқандга олиб келиниши бу инсоннинг шарқ халқлари тарихий ва маданий мероси, санъат асарлари, урф-одат ва удумлари билан яқиндан танишишига сабаб бўлади. 1950 йилда Ўрта Осиё халқларининг бой тарихи, тили ва адабиётини, бадиий санъат ва маданий меросини чуқур ўрганиш — тарғиб этиш мақсадида шарқшунос Сергей Тольстов раҳбарлигидаги Хоразм этнографик экспедицияси Оролбўйига келади. Бу экспедиция орасида оддий рассом Игорь Савицкий ҳам бор эди.

Асосан қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқ ва туркманлар иноқ яшайдиган ҳудуд аҳолиси маданиятининг хилма-хиллиги, урф-одат ва маросимларининг ранг-баранглиги ўша пайтда ёш рассом диққатини ўзига тортиб, у шу юртни бир умрга севиб қолади. Савицкий маҳаллий аҳоли етарли эътибор бермай келган ноёб осориатиқалар, хўжалик ва уйрўзғор буюмлари, кийим-кечак ҳамда ҳунармандчилик намуналарини йиғиб, музей ташкил этиш мақсадида қишлоқма-қишлоқ оралаб, тарихий-маданий буюмларни йиғади.

Маҳаллий аҳоли орасида «Чубитчи ўрис» деган ном олган бу инсон музей ташкил этиш учун ҳатто Москвадаги ўз уйидан воз кечиб, Нукус шаҳрида яшайди ва тинимсиз меҳнат қилади. Фидойи рассом Тўрткўлдан Мўйноққача, Шуманайдан Тахтакўпиргача ораликдаги туманлар, қишлоқ-овулларни пойи-пиёда кезиб чиқди. Одамларнинг гувоҳлик беришича, у баъзан ноёб нарсаларни сотиб олишга қурби етмаганлиги боис гоҳида хўжалик учун зарур нарсаларга алмаштириб олишига ҳам тўғри келган. Профессор К.Мамбетов болалигида шу инсон овулига бориб аёлқизлар киядиган нақшли, қўлда тўқилган кийим-кечакни болалар ўйнайдиган юзта ошиққа алмаштириб олганини эслайди...

Хуллас, узоқ ва машаққатли меҳнатлар натижасида 1966 йилда Нукусда бадиий санъат музейи ташкил этилади. Лекин янги музейни қўриқлаш, экспонатларни тахлаш, келиб кўрувчиларни таништириш учун штат бўлмагани боис у шу ерда қўним топиб, ишлаб, музейнинг дастлабки директори ҳам, қоровули, экскурсоводи ҳам ўзи бўлган. Шундай бир инсоннинг фидокорона меҳнати натижасида бугун буткул дунё аҳолиси олдида ғурурланса, мақтанса арзийдиган ноёб хазина дурдоналари йиғилиб, келажак авлодга мерос этиб қолдирилди. Ҳозирги кунга келиб Нукусдаги И.Савицкий номли бадиий санъат музейи ҳақиқий маънода йирик маданият ва маънавият марказига айланди. Айниқса, музей янгидан қуриб битказилган ва ҳар тарафлама қулай уч қаватли бинога кўчиб ўтгач, шу давргача йиғилган 90 мингдан зиёд экспонатларни доимий кўргазмаларга қўйиш ҳамда уларни музей талабларига мос ҳолда сақлаш учун катта имкониятларга эга бўлди.

Музейнинг замонавий биноси ишга тушган дастлабки кунларда бу ерга ташриф буюрган Республикамиз Президенти Ислом Каримов янги бинони ва бу ерга қўйилган ноёб экспонатларни кўздан кечириб, «Қорақалпоқ эли бундай бетакрор ва ажойиб музей билан қанча фахрланса ҳам арзийди», деб айтган эдилар.

Дарҳақиқат, айни пайтда чет давлатлардан Нукусга келаётган меҳмонларнинг асосий қисми ушбу санъат саройига кириб, бу ердаги экспонатларни кўздан кечиради. Яқин тарихимиздан бир мисол. 1998 йилда Франциянинг Канн шаҳрида Нукус давлат бадиий санъат музейининг кўчма экспозицияси ташкил этилади. Экспозицияга қўйилган ноёб асарларни кўриш учун ташриф буюрган Франциянинг собиқ президенти Жак Ширак тарихий ва замонавий санъат асарлари билан танишиб, «Бу асарлар Қизилқумда пайдо бўлган ноёб санъат дурдоналаридир», деб уларга юқори баҳо берган эди.

Хўш, шу ўринда И.Савицкийнинг сўнгги тақдири нима бўлди, дерсиз. Бу заҳматкаш инсон 1986 йилда Москвада касалхонада вафот этгани билан унинг танаси Нукусга олиб келиниб, шаҳар четидаги қабристонга дафн этилди. Халқимизнинг унга катта ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида буюк маърифатчи қўйилган қабр бошига Ўзбекистон халқ рассоми Дамир Рўзибоев томонидан ишланган ёдгорлик ўрнатилган.

Халқимизда «Яхшидан шарофат» деган гап бор. Ўзлари яшаган даврда эли, халқи учун яхши ишларни бажариб кетган инсонларнинг хотираси, қилган меҳнатлари ҳеч қачон унутилмайди. 2002 йилда Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Фармони билан И.Савицкий «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов ёзганидек:

У дунёга кетган одам,
Қайта айланиб келмас бўлар,
Яхши бўлиб ўтган одам,
Тирикларга тенгласа бўлар...

Каримбой ДАВЛЕТМУРАДОВ,
Нукус шаҳри.

ЁШЛАРНИНГ БАЙРАМ ЛОЙИҲАСИ

Мустақилликнинг 16 йиллиги тантаналарини муносиб кутиб олиш мақсадида шу йилнинг 1 августидан 5 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юртимиз ёшлари иштирокида «Вояга етдик» деб номланган лойиҳа амалга оширилади. Шу муносабат билан яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, ушбу лойиҳа 10 та йўналишда фаолият олиб бориб, миллий маданият марказлари, таниқли ёзувчи-шоирлар, эстрада хонандалари иштирокида байрам тадбирлари, Истиқлолнинг 16 йиллиги арафасида топшириладиган объектларда ҳашарлар ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, 16 ёшга тўлган ёшларга тантанали равишда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти топширилади. Мазкур лойиҳага 7 миллионга яқин ёш жалб қилиниши режалаштирилган.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз билган ва билмаган тарих

ЧОРАК ФИНАЛ:

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги чорак финал баҳсларининг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди.

Мавсум оралиғида мураббийлар штаби ва таркибида катта ўзгаришлар қилган Қаршининг «Насаф» жамоаси ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» футболчиларини қабул қилди. Унда учрашувнинг 32-дақиқасида Зафар Холмуродов томонидан киритилган ягона тўп мезбонларга ғалаба келтирди.



Ғузорда «Шўртан» — «Машъал» (Муборак) жамоалари ўртасида кечган баҳсда дарвозаларга олтита тўп киритилди — 3:3. Энг йирик ҳисоб эса Тошкентда ўтган «Қурувчи» — «Андижон-ЎзДЭУавто» ўйинида қайд қилинди. Унда мезбонлар андижонликлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди — 3:0.

Мамлакат биллур соврини чорак финал баҳсларининг дастлабки учрашувларини «Пахтакор» — «Самарқанд-Д» жамоалари якунлаб берди. Пахтакорчиларнинг тўлиқ устунлигида ўтган мазкур ўйинда самарқандликлар 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Тўпларни мезбонлардан Ринат Байрамов ҳамда Уче Ихероумелар киритди.

Чорак финалнинг жавоб ўйинлари 11 август куни бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО.

Спорт

«МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» СУПЕРКУБОК СОҲИБИ

Англияда мамлакат суперкубоги учун қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Мамлакат чемпиони «Манчестер Юнайтед» кубок соҳиби бўлган «Челси» жамоаси билан ўйинда муваффақият қозонди. Учрашувнинг биринчи қисмида томонлар дарвозага биттадан тўп киритиш билан қаноатландилар. 35-дақиқада «Манчестер Юнайтед» сардори Райан Гиггз дарвозага аниқ тўп йўллади. «Челси» футболчиси Флоран Малуд эса жавоб тўпи киритишга эришди. Танаффусдан кейин барча уринишлар зое кетди. Ҳакамнинг қарори билан 11 метрли тўплар тепиш бошланди. Бунда «Манчестер» дарвозабони учта зарбани йўққа чиқарди. Айни пайтда ана шу жамоанинг уч ўйинчиси дарвозани аниқ нишонга олиб, ғалабани таъминлади. Шундай қилиб, пенальтилар бўйича «Манчестер Юнайтед» 3:0 ҳисобида ғалабага эришиб, Англия суперкубогини қўлга киритди.

ВИТАЛИЙ ЯНА РИНГГА ҚАЙТМОҚЧИ

Украиналик ўта оғир вазнли боксчи, WBC йўналиши бўйича собиқ жаҳон чемпиони Виталий Кличко сентябрь ойида 2,5 йиллик танаффусдан кейин яна катта рингга қайтмоқчи. У ҳозир англиялик Леннокс Льюис билан матч-реванш ўтказиш ҳақида музокара олиб бормоқда.

— Мен Льюис билан ўзаро суҳбатда рингга қайтаётганимни айтсам, у олдин бу воқеа юз берсин-чи, деган мулоҳазани билдирди, — дейди Виталий. — Льюиснинг бирдан бир истаги бу жангдан молиявий манфаатдор бўлишдан иборат экан. Учрашув натижасидан қатъи назар Америка телевидениеси Льюисга етарли гонорар ажратар экан.

Виталийнинг орзуси унинг айтишича, қандай бўлмасин ушбу жангда ғалаба қилиб, укаси Владимир билан WBC йўналиши бўйича бир оиладан икки чемпионнинг чиқишига эришиш.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

I — 749
8253 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 6
Sotuvda erkin narxda